

МАҚСАД ТУМАНДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ

Бугун Риштон туман ҳокимилиги ахборот хизмати ва туман ҳалқ таълими бўлими томонидан "Риштон тумани умумий ўрта таълим мактабларидаги таълим тарбия жараёнлари ва қизил ҳудуддаги мактаблар билан олиб борилаётган тадбирлар" тўғрисида очик мулоқот ўтказилди. Мулоқотда Риштон туман ҳокимининг матбуот котиби, ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси А. Дехқонов, туман ҳалқ таълими бўлими бошлиғи ўринбосари А. Хонқулов, "Риштон ҳақиқати" газетаси масъул муҳаррири З. Йигиталиев ва туман ҳалқ таълими бўлими ходимлари иштирок этишди. Мулоқот давомида тумандаги умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифатини янада кўтариш, қизил ҳудудда бўлган мактабларда олиб борилаётган ишлар тўғрисида фикр мулоҳазалар ва савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Мулоқот жараёнида Президентимиз томонидан мактаб таълимини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселекторда берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасида туманиизда кенг кўламдаги ишлар олиб борилаётгани қайд этилди.

2022-03-03 14:06:39